

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди  
№ МО 10-73  
2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирининг  
2020 йил “ 7 ” декабрдаги  
648 - сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.**

**“Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)”**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури

**Тошкент - 2020**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА**  
**ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ**  
**ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ**  
**ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ**  
**МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2020 йил 30-октябрдаги 6-сонли баённомаси билан маъқулланган.*

Тузувчилар:                   **“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”**  
модули: ю.ф.н., проф. В.Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Ш.Усмонов,  
т.ф.н., доц. Р.А.Хабибуллаев.  
**“Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”** модули:  
и.ф.д., проф. Р.Нурибетов, и.ф.д., проф. Ф.Назарова, п.ф.н., доц.  
М.Дехканова.  
**“Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”** модули:  
п.ф.д., проф. Н.Муслимов, катта ўқитувчи Р.Ишмухамедов.  
**“Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”**  
модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.  
**“Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили”** модули:  
катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, С.Таджибаева,  
У.Гиясова, Ш.Файзуллаева.  
**“Мутахассислик фанлари”** модули: академик С.С.Ғуломов, и.ф.д.,  
проф Т.Ш.Шодиев, и.ф.д., проф. А.В. Вахабов, и.ф.д., проф. Б.Т.  
Салимов, и.ф.д., проф. Р.Р. Хасанов, и.ф.н., доц. Б.Н. Мамаев.

Тақризчилар:                   **Хорижий эксперт: PhD in Economics Чижу Жу, Хитой**  
  
и.ф.д., доц. Бойхонов Б.Т.- Макроиқтисодий тадқиқотлар ва  
прогнозлаш институти бўлим бошлиғи.

*Ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган (2020 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сонли баённома).*

## КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионалигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникама, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг

мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

### **I. Педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар**

- 1.1. Кредит модули тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.
- 1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.
- 1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

### **II. Педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш**

- 2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.
- 2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

### **III. Мутахассислик фанлар**

- 3.1. Замонавий бозор тузилмалари, хусусиятлари ва тартибга солиш механизмлари.
- 3.2. Эконометрика ва илмий тадқиқот усуллари.
- 3.3. Макроиқтисодий сиёсат ва миллий иқтисодиётни барқарорлашуви муаммолари.
- 3.4. Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши.
- 3.5. Рақамли иқтисодиёт.

### **IV. Малакавий аттестация**

#### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

- “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- мутахассислик фанлари соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

- “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш” ҳамда “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар куйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### ***Тингловчи:***

- Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси устувор йўналишларини;

- рақобатлашган бозор ва уни давлат томонидан тартибга солиш оқибатларини;

- монополияга қарши сиёсат ва рақобат муҳитини;

- Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонунини;

- боғлиқликни ўрганишда корреляцион ва ковариацион таҳлиллардан фойдаланиш усулларини;

- жуфт чизигли регрессияни ва кўп омилли регрессия моделини;

- Гаусс-Марков теоремасини;

- вақтли қаторлар тузиш, уларни стационарликка текшириш ва моделлаштиришни;

- макроиқтисодий сиёсатнинг миллий иқтисодиётни тартибга солишдаги ўрни, мақсади ва вазифаларини;

- макроиқтисодий сиёсат шакллари ва уларни такомиллашуви йўналишларини;

- аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг шакллари ва усулларини;

- барқарор иқтисодий ривожланишни;

- миллий иқтисодиётнинг таркиби ва уни белгиловчи омилларни;

- пандемия шароитида жаҳон иқтисодиётининг инқирози ва уни чуқурлашуви босқичларини;

- ташқи савдо сиёсатининг мазмуни, йўналишлари ва амалга ошириш дастакларини;

- инновацион иқтисодиёт турлари, тамойиллари ва ўзига хос хусусиятларини;

- илмий-инновацион фаолият тараққиётини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ва давлат сиёсатининг устувор йўналишларини;

- рақамли иқтисодиёт тушунчаси ва унинг аҳамиятини;

- рақамли иқтисодиётнинг институционал таркибини;
- рақамли иқтисодиётнинг асосий ривожланиш йўналишларини *билиши*

*керак.*

***Тингловчи:***

- монопол ҳокимият манбаларини таҳлил қилиш;
- нархни тартибга солиш;
- монополистик рақобат бозор самарадорлигини баҳолаш;
- корреляция коэффициентининг ишончлилигини текширишда т-фойдаланиш;
- регрессия коэффициенти тўғрисидаги гипотезаларни текшириш;
- тренд ва мавсумийликни аниқлаш;
- ижтимоий сиёсатни амалга ошириш йўналишларини таҳлил қилиш;
- барқарор иқтисодий ривожланиш стратегиясини таъминлашнинг ички ва ташқи омилларини баҳолаш;
- барқарор иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий давлатни шакллантириш;
- пул-кредит сиёсати ва инфляцияни жиловлаш;
- давлат харажатлари ва уни оптималлаштириш;
- илмий-инновацион фаолият тараққиётини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ва давлат сиёсатининг устувор йўналишларини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда миллий инновацион тизимни шакллантириш ва ривожлантириш;
- миллий иқтисодиётга хорижий инновацион технологияларни трансфер қилиш;
- рақамли иқтисодиётнинг технологик асосларидан фойдаланиш;
- рақамли иқтисодиётда электрон тижорат моделларини фарқлай олиш;
- рақамли иқтисодиётда молиявий технологиялар трансформацияси каби

*қўникмаларига эга бўлиши лозим.*

***Тингловчи:***

- олигиполик бозор мувозанати фарқлаш;
- Курно мувозанати ва келишувни тадқиқ қилиш;
- нокорпоратив ва корпоратив ўйинлар назариясини тушуниш;
- корреляция ва ковариация коэффициентларини аниқлаш;
- тренд ва мавсумийлик усулларида эконометрик моделлар тизимида фойдаланиш;
- вақтли қаторларни прогнозлаш усулларида фойдаланиш;
- регрессия коэффициенти тўғрисидаги гипотезаларни текшириш;
- гетероскедастик ва автокорреляция мавжуд бўлганда стандарт хатоларни аниқлаш;
- аҳолининг ўрта табақасини шаклланиши ва камбағалликни камайтириш;
- Ўзбекистон иқтисодиётини “яшил иқтисодиёт”га ўтказиш;
- Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш;
- таркибий сиёсатни амалга оширишнинг фаол ва нофаол моделлари ролини баҳолаш;

- давлат харажатлари ва уни оптималлаштириш;
- Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалик муносабатлари ва халқаро молия бозорига интеграциялаш;
- инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари ва шакллари аниқлаш;
- илмий ишланмалар тизимини янгича ташкил этиш;
- интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш;
- инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишни асослаш;
- саноат 4.0 ва унинг ривожланишини таҳлил қилиш;
- иқтисодиёт тармоқларининг рақамли трансформациясига **oid** малакаларига эга бўлиши зарур.

***Тингловчи:***

- нарх бўйича лидерликни эгаллаш;
- Штакелберг ва Бертран моделини таҳлил қилиш ва амалиётда қўллаш;
- “Қасдма –қасд” стратегиясини амалиётда қўллаш;
- битта коэффициент учун гипотезаларни текшириш ва ишончлилиқ интервалларини баҳолаш;
- вақтли қаторларнинг аддитив ва мультипликатив моделларини фарқлаш;
- тузилган эконометрик моделларни тармоқлар ва корхоналар фаолиятига қўллаш олиш;
- гетероскедастлик ва автокорреляция мавжуд бўлганда стандарт хатоларни аниқлаш;
- Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш дастурлари ва уларни амалга ошириш йўналишларини таҳлил қилиш ва ривожланиш тенденцияларини очиқ бериш;
- тижорат банкларининг барқарор ривожланиш ҳолати, тенденциялари ва кўрсатаётган хизматлари сифатини ошириш муаммоларини бартарф этиш;
- Ўзбекистон ва халқаро молия институтлари ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишини таъминлаш йўллари кўрсатиш;
- инновацион иқтисодиётнинг қарор топиш механизмларини кўра билиш;
- Олий таълим муассасаларида илмий-инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш йўларини тўғри белгилаш;
- инвестицион лойиҳаларни иқтисодий баҳолаш;
- қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш;
- саноат тармоқларининг рақамли трансформациялаш;
- Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш каби **компетенцияларга эга бўлиши зарур.**

## **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган мустақил малака ошириш шакллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

## **“ИҚТИСОДИЁТ (ТАРМОҚЛАР ВА СОҲАЛАР)” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

### **I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР**

#### **1.1. Кредит модуль тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.**

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

## **1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.**

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш объектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-лойиҳаларни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари. Илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп этириш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Web of Science тизимлари асосида такомиллаштириш.

## **1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.**

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), маҳсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (лойиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.қ.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари.

Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREAM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

## **II. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

### **2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.**

Рақамли технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш. «Электрон университет» ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъруза, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш. Булутли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимедиа интерактив ўқув-услугий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ва ундан фойдаланиш.

Педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш.

### **2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.**

Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиш) кўникмаларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқ-овқат. Сихат-саломатлик. Оилавий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-ҳунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари.

Резюме тўлдириш, маданий ҳордиқ, телефонда суҳбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

### **III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАР**

#### **3.1. Замоनावий бозор тузилмалари, хусусиятлари ва тартибга солиш механизмлари**

Рақобатлашган бозор ва уни давлат томонидан тартибга солиш оқибатлари. Монополия, монополистнинг ишлаб чиқариш ҳажми бўйича қарор қабул қилиш. Нарх белгилашда катта бармоқ қويدаси. Монопол ҳокимият манбаълари. Монопол ҳокимият ва ижтимоий йўқотиш. Нархни тартибга солиш. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. Монополистик рақобат бозори, хусусиятлари, қисқа ва узоқ муддатли мувозанат. Монополистик рақобат бозор самарадорлиги. Олигиполия. Олигиполик бозор мувозанати. Курно модели. Курно мувозанати, келишув. Штакелберг модели, Бертран модели. Нарх бўйича лидерлик. Доминант фирма модели. Ўйинлар назарияси. Стратегик қарорлар. Нокорпоратив ва корпоратив ўйинлар. Доминант стратегия, Нэш мувозанати, аралаш стратегия. “Қасдма –қасд” стратегияси. Қайтариладиган ўйинлар. Ишонч ва мажбурият. Тармоққа киришдан химоя. “Қамалган шахс муаммоси” ва нарх белгилаш.

#### **3.2. Эконометрика ва илмий тадқиқот усуллари**

Боғлиқликларни ўрганишда корреляцион таҳлилдан фойдаланиш. Корреляция коэффициенти ва унинг турлари. Корреляция коэффицентининг ишончлилигини текширишда t-фойдаланиш. Корреляция ва ковариация коэффицентлари. Регрессион таҳлил асослари.

Жуфт чизиқли регрессия. Энг кичик квадратлар усули. Гаусс-Марков теоремаси. Регрессия коэффициенти тўғрисидаги гипотезаларни текшириш. Гетероскедастлик ва гомоскедастлик. Регрессия коэффицентлари учун ишонччилик интерваллари. Кўпликдаги регрессия модели. Кўпликдаги регрессия модели учун энг кичик квадратлар усулининг бажарилиши фаразлари. Битта коэффицент учун гипотезаларни текшириш ва ишонччилик интерваллари. Чизиқсиз регрессион моделлар. Чизиқсиз регрессия функцияларини моделлаштиришнинг умумий стратегияси.

Вақтли қаторлар. Вақтли қаторлар таркиби. Тренд ва мавсумийлик. Вақтли қаторларнинг аддитив ва мультипликатив моделлари. Авторегрессия. Вақтли қаторларни прогнозлаш усуллари. Таксимланган лагли авторегрессион моделлар. Гетероскедастлик ва автокорреляция мавжуд бўлганда стандарт хатолар. Векторли авторегрессия. Кўп қадамли прогнозлар.

#### **3.3. Макроиқтисодий сиёсат ва миллий иқтисодиётни барқарорлашуви муаммолари**

Макроиқтисодий сиёсат шакллари ва уларни такомиллашуви йўналишлари. Ижтимоий сиёсатни амалга ошириш йўналишлари. Аҳолининг ўрта табақасини шаклланиши ва камбағалликни камайтириш.

Барқарор иқтисодий ўсиш. Барқарор иқтисодий ривожланиш. Барқарор иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий давлатни шакллантириш. 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш омиллари. Ўзбекистон иқтисодиётини “яшил иқтисодиёт”га ўтказишни зарурлиги, мазмуни

ва устувор йўналишлари. 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясининг мақсади, вазифалари, таркиби ва амалга ошириш босқичлари.

Миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг зарурияти, мазмуни, тамойиллари, ҳаракатлантирувчи кучлари ва амалга ошириш босқичлари. Жаҳонда миллий иқтисодиётни модернизациялаш дастурларини амалга ошириш тажрибаси ва моделлари. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш дастурлари ва уларни амалга ошириш йўналишлари.

2030 йилга қадар Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни, ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг мақсадли давлат дастурларини амалга ошириш босқичлари ва йўналишлари.

Пул-кредит сиёсати ва инфляцияни жиловлаш. Пул-кредит сиёсатининг индикаторлари ва миллий валютанинг харид қобилиятини таъминлаш муаммолари. Инфляция даражаси ва уни мўтадиллаштириш муаммолари. “Қисқа”, “узун”, “арзон” пуллар сиёсати ва иқтисодий инқироздан чиқиш дастурлари. Фискал сиёсатнинг мақсади ва уни трансформациялашуви муаммолари. Давлат бюджети танқислиги ва уни камайтириш йўналишлари. Давлат харажатлари ва уни оптималлаштириш. Солиқ сиёсати ислохотлари моҳияти ва устувор йўналишлари. Солиқлар иқтисодиётни “жонлантириш” ва тартибга солиш воситаси сифатида.

Пандемия шароитида жаҳон иқтисодиётининг инқирози ва уни чуқурлашуви босқичлари. Жаҳондаги глобал “қўшилган қиймат занжири”нинг узилиши ва пандемиядан кейинги жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш муаммолари. Иқтисодий инқирозга қарши миллий дастурлар ва уларни амалга ошириш босқичлари. Ўзбекистон Республикасининг пандемия шароитида инқирозга қарши чора-тадбирлари дастури: мазмуни, таркиби ва амалга оширишнинг устувор йўналишлари. Халқаро молия институтлари ва инқирозга қарши миллий дастурлар ижроси.

Ташқи савдо сиёсатининг мазмуни, йўналишлари ва амалга ошириш дастаклари. Ташқи савдо сиёсатини эркинлаштириш ва Умумжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш муаммолари. Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалик муносабатлари ва халқаро молия бозорига интеграциялашуви йўналишлари. Ўзбекистон ва халқаро молия институтлари ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши.

Тўлов баланснинг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари. Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ва унга хизмат кўрсатиш. Иқтисодий хавфсизлик ва ташқи қарзни мўтадиллаштириш муаммолари.

### **3.4. Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши**

Инновацион иқтисодиётнинг қарор топиши, зарурияти, ундаги асосий элементлар ва шаклланиш механизми. Инновацион иқтисодиёт турлари, тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари. ИТТКИларини ташкил этиш ва ривожлантириш. Илмий-инновацион фаолият тараққиётини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ва давлат сиёсатининг устувор йўналишлари. инновацион

фаолиятни молиялаштириш манбалари ва шакллари, молиялаштиришнинг миллий ва хорижий тажрибаси, молиялаштиришга инновацион ёндошувлар. Илмий ишланмалар тизимини янгилаш ташкил этиш, интеллектуал капитал ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, унинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш ва бошқариш. Инновацион иқтисодий ривожланишнинг таянч асослари: илмий кашфиётлар, ихтиролар, патентлар, ахборотлар, саноат намуналари, бренд ва селекция ютуқларини тижоратлаштириш муаммолари. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимни шакллантириш ва ривожлантиришда инновацион иқтисодий элементларини босқичма-босқич кенг жорий этиш. ОТМларида илмий-инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш йўлари. Миллий иқтисодийга хорижий инновацион технологияларни трансфер қилиш. Инновацион иқтисодийда замонавий стратегиялар.

### **3.5. Рақамли иқтисодий**

Ўзбекистонда рақамли иқтисодийни ривожланиш тенденциялари ва ҳуқуқий- норматив асослари. “Рақамли иқтисодий” ҳақида тушунча. Иқтисодийнинг турли тармоқларида рақамли инновацион технологияларнинг қўлланилиши. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” миллий стратегиясининг концепцияси. Рақамли иқтисодий 21-асрнинг инновацион технологиялари сифатида: барқарор ривожланиш йўлидаги тўсиқлар ва муаммолари. Ўзбекистонда рақамли иқтисодийни ривожланиш тенденциялари ва ҳуқуқий-норматив асослари. Рақамли иқтисодийда комплекс бир-бири тўлдирувчи технологияларнинг самарадорлиги. Рақамли иқтисодийни комплекс инновацион технологиялари. Электрон ҳуқуқат ва электрон тижорат моделлари самарадорлиги. Саноат 4.0 ва унинг ривожланиши.

### **IV. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

## **Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака ошириш қуйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулоти ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш. Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиладилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гуруҳи учун 1 та очик дарс ўтказилади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хулосалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва кўникмаларини ривожлантириши лозим:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;

- ўқув машғулотларининг ҳар хил турлари (маърузалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар)ни ташкиллаштириш;

- талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти, талабаларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш, иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;

- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш;

- мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модуллارни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбалардан фойдаланилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрь “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-589-сонли Қонуни
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 август “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июнь “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5755-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги

ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрел "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрь ПҚ-4022-сонли “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрь “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сонли Қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январь “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4563 -сонли Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

25. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психо-логия: монография. Книга 16 / – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.

26. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

27. Вахабов А.В., Бутабоев М.Т. Макроиктисодиёт. Ўқув қўлланма. – Фарғона: “Наврўз” нашриёти, 2019. – 319 бет.

28. Вахабов А.В., Разыкова Г.Х., Хажибакиев Ш.Х. Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики / Под ред. д.э.н., проф. А.В.Вахабова – Т.: Молия, 2011. – 300 с.

29. Вахабов А.В., Разыкова Г.Х., Модернизация экономики. Учебное пособие. Тошкент: Iqtisod-Moliya. 2014. – С. 200.

30. Вахабов А.В., Иминов Т.К., Тешабоев Т.З., Бутабоев

М.Т. “Зелёная экономика”, как основа устойчивого развития (Экономический рост без ущерба для экологии). Монография. Т.: “Aloqachi”, 2019, 480 стр.

31. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р.. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет

32. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

33. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

34. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va technology», 2014. 60 б.

35. Игнатова Н. Ю., Образование в цифровую эпоху: монография /; М-во образования и науки РФ; – Нижний Тагил: УрФУ, 2017. – 128 с.

36. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

37. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида.

38. Станковская И.К., Стрелец И.А.. Экономическая теория. Учебник. 3-е изд., испр. – М.: «Эксмо», 2012. – 448 стр.

39. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

40. Ўлмасова А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси(дарслик) «Шарқ» нашриёти, 2014 – 485 б.

41. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.

42. Н.О. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publiciations. 2015. 191.

37. Gregory N. Mankiw. Macroeconomics. 7 th edition. Harvard University. NY.: Worth Publishers, 2010

38. Макконнел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Учебник. 19-изд. - М.: ИНФРА-М, 2015. – 916 стр.

39. Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.

40. James H. Stick. Introduction to Econometrics. Third edition. Addison – Wesley. 2011.

#### **IV. Интернет сайтлар**

41. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)- Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

42. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.

43. [www.edu.uz](http://www.edu.uz).-Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

44. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz) – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти.

45. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.
46. [www.mfer.uz](http://www.mfer.uz) – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.
47. [www.uza.uz](http://www.uza.uz) – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.
48. [www.sciencedirect.com](http://www.sciencedirect.com) – жаҳоннинг энг илғор тадқиқотлари базаси.
49. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com) – бизнес ахборотлари портали.
50. <https://openedu.ru/> Открытое образование
51. [www.ZiyoNet.uz](http://www.ZiyoNet.uz) – ахборот таълим тармоғи.
52. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)- Бош илмий-методик марказ.
53. [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)- Тошкент давлат иқтисодиёт университети.

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази  
Директор \_\_\_\_\_ Т.Т. Шоймардонов

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2020 й.

М.Ў.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш бошқармаси  
Бошқарма бошлиғи

\_\_\_\_\_ Ф.Т.Эсанбобоев

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2020 й.

М.Ў.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ректор \_\_\_\_\_ К.А. Шарипов

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2020 й.

М.Ў.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
хузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази

Директор \_\_\_\_\_ Д.А. Каримов

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2020 й.

М.Ў.

